


*Қадим
юртга қайтган
наволар*

ТЎПЛАМ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

УЎК: 821.512.133(092)Юсуф

КБК: 84(5Ў)7

Қ - 97

Қадим юртга қайтган наволар (тўплам). Нашрга тайёрловчи: Янгибой Қўчқоров. –Т.: Янги аср авлоди, 2014 йил. – 112 бет.

Ушбу китоб Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасининг 60 йиллигига бағишланади.

Унда адибнинг устозлари, замондошлари, турли ҳудудларда истиқомат қилувчи навқирон ижодкорлар билан бир қаторда, Бўстон академик лицейида Муҳаммад Юсуф ташкил этган ёш ёзувчилар семинари қатнашчиларининг энг сара шеърлари жамланган.

Таҳрир ҳайъати:

Муҳаммад АЛИ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Сирожддин САЙИДИ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Халқ шоири

Иқбол МИРЗО – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Халқ шоири

Кенгесбой КАРИМОВ – Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон халқ шоири

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ – Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Рустам МУСУРМОН – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби

**Китоб Эллиқалъа туманидаги О.Худойшукуров
жамғармаси ҳомийлигида чоп этилди**

ISBN 978-9943-27-240-8

© Янгибой Қўчқоров, «Қадим юртга қайтган наволар». «Янги аср авлоди». 2014 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон халқ шоири
Муҳаммад Юсуф таваллудининг
60 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшганини инobatга олиб ҳамда таваллудининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- шоирнинг “Сайланма” асарларини;
- “Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида” тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;



- шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

- мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида шоир ижодига бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

- Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Солор кўчаси, 1-уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

- 2014 йил апрель ойининг охирида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида шоир хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари белгилансин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри, 2013 йил 27 декабрь



I. «МЕНДАН НИМА ҚОЛАР:
ИККИ МИСРА ШЕЪР...»

Ибройим ЮСУПОВ
(1929 – 2008)

Ибройим Юсупов 1929 йилнинг 5 майида Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманидаги Азот овулида туғилган. Ўзбекистон (1992) ва Қорақалпоғистон халқ шоири (1974). Ўзбекистон Қаҳрамони (2005).

Қорақалпоқ педагогика институтини тамомлаган (1949). Мазкур олийгоҳ ўқитувчиси, «Амударё» журнали ва «Еркин Қарақалпақстан» газетаси Бош муҳаррири, Фанлар академияси илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси маънавият маркази бошлиги, 1965 – 1980 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган. Кўплаб лирик шеърлари, дostonлари, балладалари ҳозирги замон қорақалпоқ шеъриятининг нодир намуналарига айланган, жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинган.

«Бахт лирикаси» (1955)дан бошлаб «Ҳар кимнинг ўз замони бор» (2004) тўпламигача ўттиздан ортиқ поэтик китоблари чоп этилган. Шунингдек, «Актрисанинг иқболи» (1967), «Умрбек лаққи» (1971), «Мангу булоқ» драмалари, «Ажиниёз» либреттоси муаллифи.

«Булоқлар қайнайди» (1960), «Олтин қирғоқ» (1962), «Дала армонлари» (1967), «Чўл тўрғайи» (1972), «Қора тол» (1988), «Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг» (2009) ва бошқа асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

Жаҳон адабиёти классикларининг асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилган («Мангу булоқ», 1986). Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

2008 йилнинг 24 июлида вафот этган.



ПРЕЗИДЕНТ

Замон кучли зилзиладан силкиниб,
Турғунлик қўргони ичдан нуради.
Довулнинг ҳукмида денгиз юлқиниб,
Тўлқинларни тўққиз баллга судради.

Қийратмоқчи бўлди итқитиб жарга,
Кеманинг тўлқинда қалққан зўрларин.
Таваккал деб, келди штурвалларга,
Озодликнинг эр юракли эрлари.


Шунда биринчилар қаторида Сиз
Жасорат камарин белга олдингиз.
Аждодларнинг руҳларига сиғиниб,
Такабур қудратга қарши бордингиз.

Империя – етти бошли аждарҳо,
Ўт пуркаб турса ҳам ҳайиқмай бориб,
Тенгиз мардлик кўрсатдингиз Сиз шунда,
Қафасдаги Ҳумо қушни қутқариб.

Ҳумо – давлат қуши, ёзиб қанотин,
Учди, эл устига соясин солди.
Соҳибқирон руҳи ўйнатиб отин,
Ўзбек ўз тақдирин қўлига олди.

Умид кутиб буюк келажайдан
Халқ қувонди. Янграб шодлик нағмаси.
Шарқ осмони бўйлаб кўк жияйдан
Бош кўтарди Мустақиллик қуёши.

Эсимда, парламент минбаридан Сиз
Дедингиз: “Тўхтатинг бизни мақтовни.”
“Мени ўз ҳолимга қўйинг”, дедингиз, –
“Менга халқ тақдири юклаган товни”.



“Етказмоғим лозим манзилига мен,
Урф айламанг бир-бировни мақташни,
Таъзим-ла илтимос қиламан сиздан
Оғзибирлик, тотувликни сақлашни!”

Бу эди инсоний фазилат сўзи,
Халқ кўнглида тошди Сизга муҳаббат.
Ҳар зот ўз номига эгадир ўзи,
Мақсад – мақтов эмас, ҳақлик, адолат.

Тақдирнинг тиканли сўқмоқларидан
Ёш чоғ ялангоёқ бошлаб қор-музга,
Қондириб заковат булоқларидан,
Тангрим Сизни берган иқболимизга.

Шумлик устун бўлган телба дунёда
Қўриқдан тўғри йўл солиб келасиз.
Юрт карвонин кечуви йўқ дарёдан
Оғдирмай, ўтказиб, олиб келасиз.

Машаққатлар ҳали орда қолади,
Меҳнаткаш халқ гуллатар бу Ватанни.
Дунё “бир кўрсам” деб ошиқ бўлади
Ўзбекистон номли жаннат маконни.

Бизни тан олмоқда эллар қайдаги,
Бугун янги аср бўсағасида.
Сиз кўтарган Мустақиллик байроғи
Ҳилпирар БМТ остонасида.

Миқти эгнингизда олиб келасиз,
Халқ юкин. Розидир ҳар овул, ҳар кент.
Катта обрў қозонасиз ҳали Сиз,
Худо қувват берсин, жаноб Президент!





Келгуси авлодлар олгайлар ёдга,
Тангрим доим нурли назарин солгай.
Сизу бизлардан эртанги авлодга
Озод ҳамда обод бир Ватан қолгай.

Юртбошисиз халқнинг тилагидаги
Узоқ ёш буюрсин деб умрингизга.
Қорақалпоқнинг оппоқ юрагидаги
Олқиш ва саломин йўллайман Сизга!

1999 йил, февраль

*Қорақалпоқчадан Мансур Аҳмедов
таржимаси*





Жуманиёз ЖАББОРОВ
(1930 – 2010)

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жуманиёз Жабборов 1930 йилнинг 25 октябрида Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Пўлоти қишлоғида туғилган.

1952 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, 1953 йили «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудури сифатида иш бошлаган. Кейинчалик «Гулхан» журнали бош муҳаррири, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган.

«Ватанимни куйлайман», «Баҳор нафаси» (1956), «Мақсад йўлида» (1958), «Субҳидам хаёллари» (1964), «Эътиқод» (1978) каби йигирмадан ортиқ шеърӣ китоблари, «Тоғлар садоси» (1961), «Йўлдаги ўйлар» (1968) каби қатор бадиий жиҳатдан пишиқ достонлари, «Ўжарлар» (1973), «Тўйдан олдин томоша» (1979) каби долзарб мавзулардаги драматик асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари адабиётимиз хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилган. Буюк шоир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарини таржима қилишда жонбозлик кўрсатган. «Ал Фарғоний» операси (1998)нинг либреттосини ёзган.

2010 йил 13 декабр куни вафот этган.

ЙЎҚЛАШ

Тўқис бўлмас инсоннинг бахти,
Бир қусурдан холимас тақдир.
Яшнаётган умр дарахти
Неларгадир яна илҳақдир.



Юрагимда ётар бир тугун,
Танга солиб аламли титроқ,
Ечилмайди, афсус, кунма-кун
Тугилади балки қаттиқроқ.

Барча бахтли соатларимга
Бир доғ бўлиб уради муҳр,
Табиатим, одатларимга
Тамға чекиб кетмиш бир умр.

Юрагимда дардларим ниҳон,
Ўртанаман, ёнаман жим-жим.
Гўё бўрон қайирган ниҳол,
Тополмайман асло иложин.

Бўм-бўш бўлиб қоламан бирдан,
Ҳазм этолмай яшаш туйғусин.
Топиб бўлмас сени ҳеч ердан,
Йўқотганим, онажон, бу сен!

Қанча сенга бўлмайин хумор,
Йўқлик сари қўйгансан қадам.
Кўзларимга олам бўлса тор,
Чигилимни ёзади қалам.

Ҳамма нарсам етарли бугун,
Бахту обрў – бари мукаммал.
Орзуларим очилиб гулгун,
Ишқ, ижодда севинчим тугал.

Қани, шодлик, ҳаяжонимга,
Шерик бўлиб, жилмайсанг бир зум.
Эшиқдан шод кирган онимда,
Кўзларингда ёнса табассум.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2240> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2240> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2240>